



ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ САММИТИ

Хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитида иштирок этиш учун 11-12 ноябрь кунлари Туркия Республикасида ташриф билан бўлди.



Саммитнинг асосий тадбирлари 12 ноябрь куни ўтказилди.

Истанбул шаҳрида Туркий кенгаш котибиятининг янги биноси олдида байроқ кўтариш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва қардош мамлакатлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон, шунингдек, Венгрия, Туркменистон ва ташкилотнинг байроқлари тантанали равишда кўтарилди.

Ушбу котибият ташкилот мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бундан буён ҳам муҳим ўрин тутишига умид билдирилди.

Туркий кенгаш котибияти биноси XIX аср бошида барпо этилган ҳамда Истанбул шаҳрининг Фотиҳ туманида жойлашган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитида иштирок этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ташаббуси билан тадбир Истанбул яқинида жойлашган ҳамда Туркия учун тарихий аҳамиятга эга бўлган Демократия ва озодлик оролида бўлиб ўтди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Жаҳон цивилизациялари чорраҳасида жойлашган гўзал Туркия заминиди, қадимий тарихга эга Демократия ва озодлик оролида сизлар билан дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя мамнунман.

Авваламбор, Озарбайжон Республикаси Президенти, ҳурматли Илҳом Гейдарович Алиевга Ташкилотимизга самарали раислик қилгани учун миннатдорчилик изҳор этаман.

Озарбайжон халқини мамлакат ҳудудий яхлитлиги тикланиб, тарихий адолат қарор топган кутлуг сана — Ғалаба куни муносабати билан чин дилдан табриклайман.

Шу билан бирга, ҳурматли Илҳом Гейдарович, Сизни "Туркий дунёнинг Олий ордени"га сазовор бўлганингиз билан ҳам самимий табриклайман. Учрашувимиз меҳбони, қардошим, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига анжуманимизни юқори даражада ташкил этгани учун алоҳида ташаккур айтаман ҳамда Ташкилотимизга раислиқни қабул қилиб олгани билан чин дилдан қутлайман.

Анжуманимизда қадрили дўстимиз, Туркменистон Президенти Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедовни кўриб турганимдан беҳад мамнунман.

Туркменистонга Ташкилотимизнинг кузатувчи мақоми берилиши тўғрисидаги тарихий қарорни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Бугун саммитимизда Ташкилотимиз асосчиларидан бири, фахрий раисимиз, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши муҳтарам Нурсултон Абишевич

Назарбоев видеомурожаат билан иштирок этганини олқишлаймиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Умумий тил ва муштарак қадриятлар бирлиги асосида шаклланган Кенгашимиз доирасида бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Оғир пандемия даврида ҳам биз шериклигимизни кенгайтиришга, бир-биримизга ёрдам бериб, алоқаларимизни мунтазам ривожлантиришга интилиб келмоқдамиз.

Аминманки, бугун қабул қилинаётган қарор билан Туркий Кенгаш номи "Туркий давлатлар ташкилоти" деб ўзгартирилиши ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Ушбу муҳим қадам Ташкилотимиз фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, унинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини кескин оширишига ишонаман. Учрашувимизда имзоланадиган "Туркий дунё нигоҳи — 2040" истиқболли дастурий ҳужжати ҳам ушбу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари Туркия етакчилигида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саммити муваффақиятли ўтказилгани ва ушбу нуфузли минтақавий тузилмага раислиқни қабул қилиб олгани билан яна бир бор табриклади.

Президентлар Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳ-

камлашнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликдаги бугунги юқори суръатларни сақлаб қолиш, товар айирбошлашни кўпайтириш, икки мамлакат етакчи корхона, компания ва банклари кооперациясини кучайтириш муҳим экани таъкидланди.

Гуманитар алоқалар фаоллашгани, Ўзбекистон ва Туркияда маданий тадбирлар мунтазам ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Минтақа кун тартибидидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Истанбул шаҳрида Туркий кенгаш саммити доирасида ўзига ажратилган қароргоҳда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашув ўтказди.



Давлат раҳбарларининг жорий йил март ойида Тошкентда ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик барқарор суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ва юк ташини ҳажмлари ортмоқда, авиақатновлар кўпаймоқда. Машинасозлик, электро-

техника, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, логистика ва бошқа тармоқларда, шу жумладан, янгидан ташкил этилган Қўшма инвестиция жамғармаси ресурсларини жалб қилган ҳолда истиқболли кооперация лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Маданий алмашинулар кенгаймоқда, муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

"Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўлини қуриш лойиҳасини жадал илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасидаги шериклиқнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Муҳтарам анжуман иштирокчилари! Ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарлар, пандемия синовлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва экология билан боғлиқ муаммолар барчамизнинг олдимизга янги, долзарб вазифаларни қўймоқда. Бу эса давлатларимизнинг ҳамкорлиқ борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман:

Биринчидан, Ташкилотимиз доирасида савдо алоқаларини кенгайтириш учун қўлай ва жозибадор шароитларни яратишимиз лозим.

Охириги йилларда Ўзбекистоннинг қардош мамлакатлар билан умумий товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошганини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу билан бирга, бу кўрсаткичлар мавжуд салоҳиятларимизга мос эмас, десам, адашмаган бўлам.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фақат 2020 йилда давлатларимизнинг умумий импорти 420 миллиард долларга тенг бўлган бўлса, аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро импорт ҳажми эса 21 миллиард долларни ташкил этди. Шу боис, учинчи давлатлардан кириб келаётган маҳсулотларни Ташкилотимизга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ҳисобидан қоплаш энг долзарб вазифамизга айланиши лозим.

Бу борадаги мавжуд имкониятларни атрофлича ўрганиш мақсадида Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқот марказини ташкил этишни таклиф қиламиз. Ушбу Марказ савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни кенг жорий қилиш, экспорт-импорт ҳажмини қўлайитиришга қаратилган аниқ тақлифлар ҳамда қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шугулланиши даркор.

Иккинчидан, савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун транспорт ва транзит масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Тарихдан маълумки, туркий халқлар яшаб келган минтақалар минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида транспорт ва савдо кўприги вазифасини бажарган.

Бугунги вазият биздан Хитойдан Европагача бўлган ва мамлакатларимиз ҳудудидан ўтайдиган янги трансконтинентал транспорт йўлларини янада ривожлантиришни талаб этмоқда. Бу борадаги ҳамкорлиқни тизимли йўлга қўйиш учун “Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастури”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ушбу дастур минтақалараро мультимодал коридорларини ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартибларини соддалаштириш, божхона, санитария ва бошқа турдаги назорат жараёнларини рақамлаштириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш масалаларига самарали ечимлар топишга қаратилиши лозим.

Учинчидан, саноат кооперациясини кучайтириш бугунги кун талабига айланмоқда.

Давлатларимизда мавжуд бўлган ихтисослашган ташкилотлар негизда “Инжиниринг ва технологиялар марказлари”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг фаолияти қўшилган қиймат занжирларини яратиш ва рақобатбардошлик таъминлашга асосланган қўшма лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳаларни келгусида тузиладиган қўшма Инвестиция жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш мумкин бўлади. Ушбу ташаббусни рўёбга чиқариш ҳамда бу борада янги имкониятлар очиб шуни келгуси йили Ўзбекистонда “Туркий давлатлар саноат ҳафталиги”ни ўтказишни ниятдамыз.

Тўртинчидан, саммитимиз “Рақамли асрда яшил технологиялар ва “ақлли шаҳарлар” мавзусида ўтаётгани мумкин аҳамиятига эгадир.

Давлатларимизнинг ҳар бири турли соҳаларда рақамлаштириш жараёнларини жорий этиш тажрибасига эга. Аъзо мамлакатларда, биринчи навбатда, Туркияда бу соҳада тўпланган тажрибани инобатга олиб, “ақлли шаҳар”ларни барпо этиш бўйича тажриба алмашиш ва инновацияларни трансфер қилиш мақсадида экспертлар ва IT мутахассислар учун доимий платформа яратиш мумкин.

Бу борадаги илк қадам сифатида 2022 йилда экспертлар конференциясини ўтказишни таклиф қиламиз.

Бешинчидан, ҳозирги пайтда дунёда иқлим ўзгариши ва экология муаммоларини ечиш ҳамда углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш тобора ўткир заруратга айланмоқда.

Орол денгизининг қуриши нафақат минтақамиз, балки унинг ташқарисидаги қўллаб-мамлаларга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Бу каби экологик фожиаларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, уларнинг тарқалишининг олдини олиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини тузиш ташаббусини илгари сурамыз.

Мазкур тузилма қароргоҳини ушбу экологик офатдан энг кўп зарар кўрган Оролбўйи ҳудудларидан бирида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Олтинчидан, қадимий Хива ва Қўқон шаҳарларида бўлиб ўтган маданият ва туризм вазирларимизнинг самарали учрашувлари халқларимиз нақадар бой тарихий ва маданий меросга эга экани, сайёҳлик соҳасида катта имкониятларимиз борлигини аққол кўрсатди.

Биз “Туркий дунё туризми” ва “Табаррук зиёрат” сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш, ҳунармандчилик кўргазмалари ва этносспорт мусобақаларини ўтказиш, маданий мерос объектларини сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни

қамраб олган “йўл харитаси”ни биргаликда ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Еттинчидан, бугунги саммитимизда Туркий дунё бирлигига салмоқли ҳисса қўшган улуг мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши муносабати билан барчангизга яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Туркий дунёнинг буюк вакиллари умумбаршарий маданият ва цивилизация тараққиётига қандай улкан ҳисса қўшгани ҳаммамизга маълум.

Мана, яқинда Истанбул шаҳрида қайта таъмирланган муҳташам Отатурк маданият марказида Туркий дунёнинг улуг алломалари сиймолари ёд этилгани, айниқса, эътиборлидир. Ташкилотимизга аъзо барча мамлакатлар фондларида ана шу бебаҳо мерос асраб-авайлаб сақланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам муштарак тарихимиз ва маданиятимизга оид 200 мингга яқин ноёб қўлёзмалар мавжуд.

Ана шу нодир асарларни биргаликда ўрганиш, уларни таржима қилиш, ягона электрон базасини яратиш, бу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида “Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот маркази”ни ташкил этишни таклиф қиламиз.

Уйлайманки, ушбу марказ қардош халқларимизнинг бебаҳо меросини келгуси авлодлар ва дунё ахлига етказишга мумкин ҳисса қўшади.

Саккизинчидан, келажакимиз давомчилари бўлган ёшлар мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисmini ташкил этмоқда.

Бугун ёш авлоднинг халқларимиз ҳаёти ва тақдирини, аъзо муносабатларимиз ривожидидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, креатив ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш, миллий қадриятларимизга ёт бўлган таъсирлардан

асраб-авайлаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Бу борадаги саяё-ҳаракатларимизни бирлаштириш мақсадида **2022 йилни Туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили”**, деб эълон қилишни **таклиф этаман**. Унинг доирасида биргаликда аниқ чора-тадбирлардан иборат қўшма дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мазкур масалани навбатдаги саммитимиз кун тартибининг асосий мавзуси этиб белгилаш ўринли бўлар эди.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари! Афғонистондаги ҳозирги мураккаб вазият барчамизнинг эътиборимиз марказида турибди. Ушбу мамлакатнинг гуманитар инқирозга тушиб, халқаро майдонда яқкаланиб қолишига, унинг террорчилар маконига айланишига йўл қўймастик ниятда долзарбдир.

Афғонистоннинг янги Ҳукумати билан мулоқотларда ёндашувларимиз умумий ва яқдил бўлиши лозим.

Қадрли дўстлар! Ўзбекистон Республикаси бугунги анжуман кун тартибига киритилган Қўшма декларация, Ташкилотимиз таркибида Кузатувчи ҳамда Шериклик мақомларини таъсис этиш тўғрисидаги қарорлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг имзолалинини қўллаб-қувватлайди.

Бош котиб Бағдод Амревининг ваколат муддатини узайтиришни ҳам тўла маъқулаймиз.

Ишончим комилки, бугунги учрашувимиз ва эришилган келишувларимизнинг амалга оширилиши қардош халқларимизнинг умумий фаровонлиги ва равақига хизмат қилади.

Катта мамнуният билан янги ном олган Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитини ўтказиш учун сиз, азиз ҳамкасбларимни келгуси йил Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ САММИТИ

Бошланиши 1-бетда

Кенгаш мажлисида, шунингдек, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан қатнашди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, савдо, инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, таълим ва маданият соҳаларидаги кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ташқи ишлар вазирлиги томонидан пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларига ёрдам кўрсатилди

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” шиори остида хайрия тадбири ўтказди.

Тадбир доирасида пойтахтимиздаги 123, 129, 197 ва 203-умумтаълим мактабларига совғалар тақдим этилди. Ушбу ўрта таълим мактаблари вазирлиги томонидан оталиққа олинган бўлиб, уларга тизимли тарзда кўмак бериб келинмоқда.

Мактабларга бадий ва ўқув адабиётлари, канцелярия маҳсулотлари, дунё хариталари ҳамда табибий нибоблардан иборат жамланмалар тақдим этилди. Шунингдек, билгилли, ўқув жараёнида фаол, хорижий тилларни пухта ўзлаштираётган ўқувчилар, кам таъминланган оилалар фарзандларига қишки кийим-кечак ва мактаб формалари топширилди.

Фидойи ва салоҳияти юқори бўлган ўқитувчиларга ташқи ишлар вазири номидан ноутбук совға қилингани педагоглар томонидан мамнуният билан қутиб олинди.

— Мазкур хайрия тадбирлари мамлакатимизнинг хориждаги дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг ҳомийлиги ва қўмағи асосида амалга оширилмоқда, — деди вазирлик тизимидаги таълим муассасалари билан ишлаш сектори мудири Шайдогул Зокирова. — Бу

саяё-ҳаракатлар нафақат мактабларнинг моддий-техник базасини яхшилашга, балки шу орқали таълим сифатини оширишга ҳам кўмаклашади. Оталиққа олинган мактаблар жамоалари билан ўзаро ҳамкорлиқнинг самарадорлигини ошириш бўйича мунтазам маслаҳатлашиб борилмоқда. Ушбу таълим масканларида сабоқ олаётган ўқувчилар келажақда юртимизнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадиган ёшлар бўлиб етишишига ишонамиз.

Мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари қўрсатилган эътибордан мамнуллигини билдирди.

Вазирлик томонидан ушбу таълим масканларига 2019 йилдан буён мунтазам равишда амалий ёрдам бериб келинмоқда. Хусусан, 2020 йил якунларига кўра, мамлакатимизда оталиққа олинган мактабларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича турли вазирлик ва идоралар орасида Ташқи ишлар вазирлиги етакчилик қилгани эътироф этилди.

“Дунё” АА

МУНОСАБАТ

ТАБИАТ ВА ИНСОН УЙҒУНЛИГИ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазири

Президентимиз раислигида ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди. Бу лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дароҳт ва бутта кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилган.



Эндиликда ҳар йили куз ва баҳор ойларида экиладиган дароҳтлар парваришига, уларнинг кейинги тақдирига ҳам эътибор қаратилиши лозимлиги белгиланди. 4 ноябрь куни Ўзбекистонда кузатишган чанг бўрони ушбу акциянинг нақадар долзарблигини, бу ишга катта масъулият билан ёндашиш кераклигини кўрсатди.

Ҳозирда барча шаҳар ва қишлоқларда дароҳт экиш бўйича кенг қўламда иш олиб борилаётгани таҳсина муносиб. Айни пайтда мутахассислар экиладиган дароҳт турларини танлашга ҳам эътибор қаратиш, бунда қатор оммиларни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлаб ўтади. Хусусан, айрим дароҳт ва ўсимликлар гуллаганида аллергияга мойил айрим кишилар айнан шундан азият чекади. Бунда шамол орқали чанглануви ўсимликлар узидан кўп микдорда чанг тарқатаркан. Шу билан бирга, турли ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳолининг муайян ўсимликларга нисбатан аллергия таъсирчанлиги бир-биридан фарқ қилади, деб таъкидлайди шифокорлар.

Шунингдек, дароҳт чангига аллергиянинг кенг тарқалишига иқлим ўзгариши ҳам таъсир кўрсатмоқда. Баҳорнинг эрта келиши, қиш мавсумининг илқ бўлиши айрим ўсимликларнинг эрта гуллашига сабаб бўлмоқда, дароҳтларнинг ноодатий тарзда йилга бир неча бор гуллаши ҳолатлари кузатиляпти.

Ўсимлик чанги — бу таркиб жиҳатдан углевод, оқсил ва аз микдорда ёғдан иборат чанг уруғлари бўлиб, улар ҳаводаги турли зарарли моддаларни ўзига сингдиради ва ўсимлик чангининг иммунитетини оширади. Ҳаводаги зарарли газ, тамаки тутунни, ультрабинафша нурланишлар уруғ чангининг антиген таркибини ўзгартиради.

Шунингдек, ташқи муҳитдаги мазкур оммилар аллергияга мойил кишиларнинг аллергия сезувчанлигини кучайтиради. 2018 йили Республикаимизда профплактик тиббиёт йўналишларини ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Халқаро молекуляр аллергия маркази ташкил этилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аллергия қақирадиган ўсимликларнинг чангланishi, аҳолининг молекуляр сезгирлик профили ва аллергия касалликларининг клиник зураиши (ринит, бронхит астма) ўртасидаги боғлиқлик гулчанг монитторинги ва мультителпекс аллергия чиплари ҳамда вилоятлардаги клиник патронажлар ёрдамида ўрганилди.

Тошкент шаҳрининг икки ҳудудида гулчанг қопқонлари ўрнатилган бўлиб, бутун шаҳар бўйлаб мунтазам равишда аэробиологик мониторинг ўтказилмоқда. Шунингдек, ҳудудларда қўшимча 8 та қурилма ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозирда Халқаро молекуляр аллергия маркази олимлари томонидан ўсимликлардан гулчанг тарқалиши харитаси ҳам тузилди. Ушбу харита VPPS 2010 чанг қопқонларидан бир йил давомида олинган маълумотларга асосланган. Мазкур чанг қопқонлари — аэробиологик мониторинг станциялари ўсимлик чанглари ва бошқа манбалар орқали пайдо бўладиган чанглarga нисбатан аллергияни назорат қилиш имконини беради.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 1021 нафар беморда аллергияга таъсирчанлигини ўрганиш ва мультителпекс аллергия чипларида диагностика қилиш натижасида аҳолининг қуйидаги манзарали дароҳтларга нисбатан аллергияси юқорилиги

аниқланди: сарв (қипарис), қорақайин (буқ), финик пальмаси, зайтун, оқ қайин, юнон ёнғоғи, қора терак ва ўрмон ёнғоғи (лещина). Шаҳар ва қишлоқларимиз кўча ва хиёбонларига, хонадонларга экилган бу турдаги дароҳтлар энг кўп аллергия қақиради.

Шу билан бирга, 13 турдаги манзарали дароҳтлар гулчанги тарқатиши аниқланган. Бунда энг кўп терак, қарағай ва сарв (қипарис) дароҳтларида, кам ҳолатлар эса тол, эман, қайрағоч ва шумтолда учрайди.

Шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш учун ўсимликлар танлашда, аҳолининг аллергия реакцияси эҳтиомлини ҳисобга олиш, илк бор экиладиган ўсимликларнинг аллергия таъсирини ўрганиш лозим. Тадқиқот натижаларига кўра, Тошкент шаҳри инфратузилмаси, иқлим ва тупроқ шароити, шаҳарсозлик меъёрларига ва автомобиль қатнови кўчалари учун мос келадиган жами 26 турдаги манзарали бутта ва дароҳт экиш тавсия этилмоқда.

Минтақамизда қайин гулчанги микдори минимал даражада бўлса-да, мазкур дароҳтга нисбатан аллергия 16,5 фоиз ҳолатда қайд этилган. Фарғона водийсида эса аллергия сезувчанлиги сарвга нисбатан кўпроқ кузатилди. Тадқиқотлар қайин гулчангининг юқори аллергия қобилиятини ва сарвга нисбатан аллергиянинг кенг тарқалишини аниқлади. Чинор, жуқа, эман, мажнунтол чанги концентрацияси жуда юқори бўлишига қарамай, тадқиқотда қатнашган республикамиз аҳолиси орасида уларга нисбатан аллергия аниқланмади.

Олинган маълумотларга кўра, турар-жой объектлари атрофида чинор, жуқа, эман, мажнунтол экишни тавсия этиш

мумкин. Бу аҳоли ўртасида аллергия реакциялар ривожланишининг олдини олишда кўмак беради. Сарв, хурмо, зайтун, қайин, ёнғоқ, қора терак каби дароҳт ва буталарни Ўзбекистон шароитида етиштириш аллергия нуктаи назаридан мақбул саналмайди.

Халқаро молекуляр аллергия маркази шаҳар ва турар жойлар учун манзарали ўсимликлар танлашда аҳолининг уларга нисбатан аллергия реакциясини ҳисобга олишни, шунингдек, ландшафт дизайнида кенг тарқалмасдан олдин янги киритилган ўсимликларнинг аллергия салохиятини ўрганиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказишни таклиф қилади.

Шундай қилиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги қўллаб-қувватлаштириш ишларини амалга оширишда манзарали ўсимлик ва дароҳтларнинг аллергияга сабаб бўлмайдиган турларидан фойдаланишни тавсия қилади. Буталардан сурия атиргули, ҳинд настарини, дейсия, ялтирок баргли лигуструм, зирк, испан дроки, пираканта, қора маржон, шилви турлари, қорсимон мева-ли бутта, Европа форзицияси, оддий сирень, наъматак, мағония аллергия қақирмаслиги аниқланган.

Игна баргли дароҳтлардан Ғарб туяси, Шарқ биотиси, тиканли қорақарағай экиш саломатлиқа салбий таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, Канада бағрияни, чигалла, ипак акацияси, турангил, скумпия, сумах, корнус, дўлана, калина аллергия тарқатмайдиган ўрта бўйли дароҳтлар сарасига қиради.

Ўз навбатига, мевали дароҳтлар аллергия пайдо қилмаслигини ҳам эс-латиб ўтиш лозим. Мевали дароҳтлар асосан ҳашаротлар орқали чангланади, чанги нисбатан оғир бўлгани учун ҳавода учиб юрмайди. Демак, шаҳар шароитида ҳам манзарали дароҳтлар қаторида мевали дароҳтларни экиш аънанасини тиклашимиз лозим. Мевали дароҳтлар ҳам атроф-муҳитга фойда, меваси истеъмол қилинади, ҳам аллергия қақирмайди.

Дароҳт экишда яна бир жиҳатга аҳамият беришимиз керак. Гап шундаки, айрим дароҳтлар бир жинсли, икки уйли бўлиб, оталик ва оналик туپлар алоҳида-алоҳида ўсади, оталик кўчатлар гулчанги тарқатади. Шаҳарларни қўллаб-қувватлаштиришда эса кўпинча айнан мана шу оталик дароҳтлардан фойдаланиш кўпроқ кузатилади. Негаки, улар мева тугмагани боис, меваси ерга тушмайди ва бу қўлай саналади. Аммо айнан оталик туپлар гулчанги тарқатгани боис, аллергия қақирмайди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экиладиган дароҳтлар заминимизни ашиллиққа бурқаша, чиройига чирой қўиши билан аллергияга мойил минглаб кишиларнинг соғлигини ҳимоя қилиши лозимлигини унутмайлик. Хориждан келтирилган манзарали дароҳтларнинг ҳаммаси ҳам фойда бермайди. Шунинг учун қўллаб-қувватлаштириш жараёнида аънанавий мева-ли дароҳтлардан фойдаланиш энг мақбул ечимдир.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ҲУҚУҚЛАРИ ҚАДР ТОПГАН, ДУНЁГА ОЧИҚ МАМЛАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

**Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
матбуот хизмати масъул ходими**

Бундан беш йил муқаддам — 4 декабрь куни халқимиз ўз хоҳиш-иродасини очиқ-ошкора намоён қилган ва эртанги тараққиётимиз, чиройли турмушимиз, мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга қодир, миллатни, халқни саодат сари етаклай оладиган Президентини сайлаган эди. Ўз-ўзидан, шу кундан бошлаб давлатимиз тарихида янги бир босқич бошланганди.

Кўп миллатли халқимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тинч ва осуда ҳаёт кечиришига, Ўзбекистон ҳаётида оламшумул, кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилишига ишонди ва шундай ҳам бўлди. Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга қадам қўйди. Халқимизни кўп йиллардан буён ўйлантриб, ташвишга солиб келаётган муаммолар қисқа фурсатда ҳал этилди, халқимизнинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади.



Жорий йил 24 октябрь куни умум-этироф этилган халқаро стандартлар ҳамда демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтган Президент сайловида халқимиз яна бир қарра сайлаш ҳуқуқидан самарали фойдаланди ва ўз тақдири, фарзандлари келажаги, оилалари фаровонлиги учун сиёсий етакчини, оқил раҳбарни танлади.

Бу бешта сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар орасида юртдошларимиз амалдаги Президент Шавкат Мирзиёевни ҳақиқий кучли етакчи сифатида билгани, сўнгги беш йилда амалга оширилган ислохотлардан, ҳар бир соҳада кузатилаётган ижобий ўзгаришлардан мамнунлиги, давлатимиз раҳбарининг одилона ва оқилона сиёсатидан розилигидан далолатдир.

ва эркинликлари, қонун устуворлиги, очиқлик ва ошқоралик, сўз эркинлиги, мажбурий меҳнатга чек қўйиш ва очиқ сиёсат юритиш бўйича эришилган ютуқларни бугун халқаро ҳамжамият Президент Шавкат Мирзиёев номи билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида эътироф этмоқда.

Ҳар бир инсон яхши яшاشи, ҳаёти гўзал мазмун касб этиши — олий қадрият. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истади. Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ халқимизга тинч ва осуда ҳаёт кечириши учун яхши шароит ярати беришни мақсад қилди ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсад-муддаога қаратилди.

Янги механизм ёрдамида ўн минглаб, юз минглаб одамларнинг муаммолари ҳал этилди. Ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги мулоқот умуман бошқача кўриниш касб этиб, раҳбар ва амалдорларни аҳолига яқинлаштирди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва кафолатлари кучайтирилиб, мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилди. Илгари ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва бошқа ижтимоий соҳа вакиллари болаларни ўқитиш, беморларни даволаш ўрнига бутун кузни пахта даласида ўтказган бўлса, кейинги йилларда юртимизда таълим ва тарбия масаласи умуммиллий ҳаракатга айланди. Ўқитувчининг мактебини юксалтириш, устоз-муаллимларга муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида педагог ходимларнинг иш ҳақи босқичма-босқич ошириб беришмоқда. Ёшларнинг иқтисоди ва салоҳиятини тўғри йўналтириш, умумтаълим фанларини ўқитишнинг бутунлай янгича тизими яратилди.

Яна бир ҳаётий мисол. Бир вақтлар бозорга бориб, кийим-кечак ёки озиқ-овқат харид қилмоқчи бўлсак, сотувчи “Ака, пулингиз нақдми ёки пластик?”, деб сўради. Агар пластик, десак, “Унда маҳсулот устига 10 ёки 15 фоиз қўшиб берасиз”, дерди. Бу ҳам етмаганидек, картадаги пулимизни нақдлаштиришда не-не кийинчиликларга дуч келганмиз. Ойлик маошимиз тушди, дегунча бозорга ёки бирор-бир бензин қўйиш шохобчасига югурардик. Маошимизнинг 20, ҳаттоки 30 фоизини тadbirkорга беришга мажбур бўлардик. Энг ёмони, пластик карталардан тўлов аксар жойларда қабул қилинмасди, қўлимизда пулимиз бўла туриб, уни ишлага олмадик. Бу фақат менинг эмас, миллионлаб одамларнинг огриқли муаммоси эди. Мамлакатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси билан бу муаммолар бугун тарихга айланди. Ҳозир юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, фуқароларимиз нақд пулни бемалол йигирма тўрт соат давомида банкоматдан ечиб олмақда.



Президентимиз ташаббуси билан илгари тарихда бўлмаган секторлар тизими жорий қилиниши эса давлат органларини аҳоли билан янада яқинлаштириш, халқ билан тизимли мулоқотни йўлга қўйишда муҳим омили бўлмоқда. Жамиятда камбағаллик ва ишсизликка барҳам беришни кўзда тутувчи, аҳолининг энг қийналган, шароити огир қатламини қамраб олувчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби дафтарлар ҳам мазмун-моҳиятига кўра, жуда содда ва шу билан бирга, самарали усул экани аллақачон исботланди. Унинг бераёт-

ган ижобий самарасини бугун фуқароларимиз ўз ҳаётида ҳис этиб турибди.

Эътиборга молик томони, ишлаш, пул топиш учун хорижга кетаётган фуқароларимизга муносабат буткул ўзгарди. Уларнинг чет элда ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ташкиллаштирилган миграцияни йўлга қўйиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди. Албатта, буларнинг ҳаммаси давлатимизнинг меҳнат мигрантлари масаласига жиддий эътибор қаратаётганини кўрсатади. Ўзбекистон фуқаролари қарерда яшаш ва ишлашдан қатъи назар, давлатимиз раҳбарининг эътиборида ва назоратида экани, Президент уларнинг барчасини ўз фарзандидек қўришдан далолат беради.

Адашиб, ёмон йўлга қириб қолган ватандошларимизга душман қўзи билан қараш эмас, аксинча, кечиримли бўлиш, уларга инсонийликнинг энг юксак намунасини кўрсатиш давлатимиз раҳбарининг яна бир муҳим ислохотларидан бири бўлди. Мамлакатимиз тарихида илк бор “Меҳр” операцияси беш маротаба амалга оширилиб, Сурия, Ироқ ва Афғонистондан қўллаб-қувватловчи фуқароларимиз, асосан, аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келинди.

Бундан англашиладики, янги Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади. Зотан, давлатимиз раҳбари шу йилнинг 6 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб, халқимиз талабаларини иноватга олган ҳолда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилгани ва сайлов жараёнида у ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганини таъкидлади.

Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларимизнинг ўзвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тарақ-

қиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий фоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилгани эса Ўзбекистоннинг ислохотлар йўлини қатъият билан давом эттириши ва манتيқий яқунига етказишига ишорадир.

Кўп йиллик орзулар рўёби

Инсон борки, ўз уйи бўлишини орзу қилади, бунинг учун тинмай меҳнат қилади, интилади. Буни ўйинсизлик, ижарама-ижара, сарсон бўлиб яшаш азобини

муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, уй-жойлар таъмирланди, ичимлик сув ва электр энергияси тармоқлари янгиланди.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам Мўйноқ деса, туз қонига айланган олис туман кўз олдимизда гавдаланар эди. Одамлар Мўйноқда денгиз эмас, балки чўл бор, деб айтишарди. Бугун бу ердаги ўзгаришлар инсонлар қалбида ҳаётга, келажакка катта умид уйғотмоқда. Сабаби, кейинги йилларда Орол фожиясидан жабр кўрган аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш бўйича, таъбир жоиз бўлса, одамларнинг етти ухлаб тушига ҳам қирмайдиган оламшумул ўзгариш ва янгиланишлар бўлиб кўрсатмоқда.

2017–2020 йилларда 5 миллион аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарган бўлса, жорий йилда бу дастурнинг қўлами бир неча бор кенгайиб, барча туман ва шаҳарлардаги 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада 21 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Миллатни жипслаштирган йил

Ўтган йили юртдошларимиз учун ҳам, жаҳон аҳли учун ҳам огир келди. Коронавирус балоси, у келтирган ижтимоий-иқтисодий инқироз етмаганидек, бир ҳафта ичида Бухоро ва Сирдарё вилоятларида табиий-техноген офатлар рўй берди. Қутилмаганда юз берган бундай талафотлар эл-юртимизни яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.

Аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари, экин майдонларига катта зарар етди. Юзлаб одамлар уйсиз ва бошпанасиз қолди. Таассуфки, бу ҳо-дисалар басма-бас рўй берди.

Қисқа фурсатда Сардоба туманининг “Дўстлик”, Мирзаобод туманининг “Ҳақиқат” ҳамда Оқолтин туманининг “Навбахор” маҳалласида кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Илгари бу жойлардаги кўп уйларда табиий газ бўлмаган бўлса, энди газ, сув, электр энергияси ва бошқа коммуникациялар билан тўлиқ таъминланган. Янги мавзеда маҳалла гузари, дўкон, кутубхона, болалар майдончалари барпо этилган. Уйларга



худудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қўлайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд қилиниши, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилишини билдирди. Бу эса йиллар давомида ижарама-ижара, сарсон-саргардон юрган минг-минглаб инсонлар қалбига ишонч туйғусини олиб кирди.

Уйи бор одамнинг ўйи бўлмайди, кўнгли тўқ бўлса, келажакка ишонч билан қарайди, катта мақсадларни дилга туғиб, бунёдкорликка, яратувчанликка интилиб яшайди. Бошқача айтганда, уй-жой шунчаки бошпана эмас, у инсоннинг кўнглидаги маънавий кўрган ҳамдир. Ўшбу кўргони бут инсонларнинг оиласи мустаҳкам бўлади, ишига барака инади.

Ислохотлар натижаси чекка ҳудудларда ҳам бўй кўрсатмоқда

Иқтисодий ривожланиш, аввало, қишлоқ жойларни ривожлантиришдан, қишлоқ одамлари ҳаёт даражасини оширишдан бошланиши яхши маъмул.

Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш бўйича аниқ, мақсадли тизим яратилди. Халқимизни ҳаётдан рози қилишнинг, юртимиз янги қиёфасини яратишнинг энг самарали механизмларидан бирига айланиб улгурган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида мамлакатимизнинг қўллаб-қувватловчи, маҳалла ва овулларидаги миллионлаб инсонлар ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Худудларни комплекс ривожлантириш мақсадида улардаги йўл-транспорт инфратузилмаси,

хизмат кўрсатувчи сервис компанияси ташкил қилинган.

Пандемия сабаб қўллаб-қувватловчи одамлар ишсиз, озиқ-овқатсиз қолган бир пайтда, бизда минглаб хориждаги ватандошларимиз олиб келинди, уларга иш ўрни яратилди. Шундай огир кунларда давлатимиз, Президентимиз ҳеч бир фуқаронни ҳимоясиз қолдирмади, ўз ҳолига ташлаб қўймади. Ҳатто энг оддий, кўпчилик эътиборга олмайдиган жиҳатлар ҳам назардан четда қолмади.

Тарихимизда янги даврнинг бошланиши

Албатта, ўтган тарихан қисқа даврда ислохотлар тўғрисидаги эришган натижаларимиз ҳақида узоқ гапирishi мумкин. Чунки шу даврда Ўзбекистонда юз берган ўзгариш ва янгиланишларни нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамияти ва чет эл оммавий ахборот воситалари қўллаб-қувватламоқда.

Бугун янги Ўзбекистонни демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиш, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт ярати беришдан иборат бўлган давлат, дея баралла айта оламиз. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон яна бир ўйиниш даврига қадам қўйди. Янги беш йилда мамлакатимиз инсон қадри улуг, ҳуқуқлари қадр топган буюк давлатга айланиши мўқарар. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз — дунёга, дунё — бизга очиқ бўлиш керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби ҳам аслида шу. Биз ана шу ҳал қилувчи тамойилни албатта ҳаётимиз қоидасига айлантирмиш”.



Чунончи, кейинги беш йилда Ўзбекистонда эришилган марралар ҳақида сўз юритсак, уларни санашга бармоғимиз, ёзишга қўғозимиз етмайди. Бу шиддатли ислохотлар улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари, инсон манфаатлари улуғлангани ва халқ билан мулоқотнинг янги тизими жорий этилгани билан ҳаётда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бугун юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги беш йилда қўлга киритилган натижалар, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратиш ўринлидир.

Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётгани, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намоён бўлаётир. Бунинг исботини одамлар ҳаётида, турмушида ҳис қилаётгани ва буни ҳозир ҳар қадамда эътироф этаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, шу даврда инсон ҳуқуқ-эркинликлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида белгиланиб, амалда унга риоя этила бошланди. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат жазоповчи эмас, балки ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўқсик қалблардаги музлар эриди

Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни оидинлаштиради. Ўтган даврда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ИЛМ-ФАН

Фарҳод КАРИМОВ,
А. Авлоний номидаги халқ таълими
муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини
белгилаш илмий-тадқиқот институтининг илмий
ишлар бўйича директор ўринбосари,
сиёсий фанлар доктори (PhD)



Ҳар қандай мамлакат ўз тараққиёт йўлини белгилар экан, таълим соҳасидаги ислохотларга устувор вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нафақат халқ таълими ходимларининг малака ошириш тизимини тубдан ислох қилиш, балки умумий ўрта таълим муаммоларини комплекс ўрганиш ҳамда илмий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этиш каби вазифаларни ҳам белгилаб бергани билан аҳамиятлидир. Бу, ўз навбатида, таълимда ўзаро интеграция жараёнини тезлаштиришга хизмат қилади. Айни вақтда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида халқ таълими тизимининг турли муаммоларини таҳлил қилиш билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро таълим индексини юқорига қўтариш учун таълим сифатини ошириш бўйича ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ СТРАТЕГИЯСИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



самарадорлигини баҳолаш учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам баҳолашнинг 70/30 тизими жорий этилмоқда. Ўқувчиларнинг билим самарадорлиги 70 фоизгача баҳоланса, 30 фоизи ўқитувчининг илмий салоҳияти ҳамда тажрибасига кўра, тизимда баҳолаш жорий этилмоқда.

Қандай натижаларга эришилади?

Аввало, математика, физика, биология, кимё фанлари бўйича педагоглар малакасини миллий баҳолашнинг самарали, аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларига сертификат беришнинг миллий тизими яратилади. Методик қўлланма ва материаллар ишлаб чиқилади.

Работ муҳити шаклланиши ва узлуксиз касбий таълим мустаҳкамланиши ушбу тизимнинг самараси дейиш мумкин. Шу билан бирга, педагогларнинг фан бўйича салоҳияти аниқланади. Рейтингни белгилловчи янги механизмларни рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилади. Юқори натижали мактаблар тажрибасини кўрсаткичи паст бўлган мактабларда қўллаш механизми яратилади. Электрон саволлар базаси ишлаб чиқилади. 4 та фан бўйича педагоглар жамоаси шакллантирилади. Дарсликларни такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари, юқори натижага эга бўлган педагоглар тажрибасини оммалаштириш бўйича таклифлар киритилади.

Президентимиз соҳа ходимлари билан учрашувларда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини кўтариш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш зарурлигини бот-бот тақдорлайди. Лойиҳа натижаси асосида касбий профессионаллик даражасини саралаш билан ўқитувчининг маоши механизми ишлаб чиқилади. Бу орқали ўқитувчиларнинг нафақат тажрибаси, шунингдек, илмий компетенциясини ҳам ошириш назарда тутилади. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, айни вақтда баҳолашни ўтказиш талабларини ишлаб чиқиш — Вазирлар Маҳкамасининг “Аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларига сертификат беришнинг миллий тизими тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилишига қараб. Қарор лойиҳасида ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг янада самарали механизми устида ишланмоқда.

“Жамоатчилик назорати”нинг таълим тизимидаги аҳамияти

“Жамоатчилик назорати” таълим тизимида ишласа-да, амалда таълим сифати ёки таълим сифатини ошириш масалалари эмас, кўпроқ ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги “шахсий муносабатлар”, “кийиниш одоби” муҳокама мавзусига айланган. Жамоатчилик назоратини кўпроқ таълим мазмунига йўналтириш зарур. Тўғри, бугунги таълим тизимининг энг устувор вазифаси сифатида таълим ва тарбиянинг узвийлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, амалда ўқитувчи кўпроқ таълим бериш билан шуғулланиш механизми жамоатчиликни қизиқтириш лозим. Мактабда ўқитувчиларнинг билим бериш даражаси, ўқувчиларнинг ўзлаштириш ҳамда олий таълимга қамров мактабини эмас, аксинча, жамоатчиликни қизиқтириш керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераки, таълим ва тарбия қушининг икки қаноти сингари бўлиб, унинг бир қанотини синдириб, юксак парвозга эришиб бўлмайди.

Илмий тадқиқотлар

2021–2025 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқотнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Финляндия, Эстония, Япония, Жанубий Корея давлатлари тажрибасини ўрганиш асосида ва, табиийки, миллий хусусиятларимизни инобатга олган ҳолда, бошланғич таълим ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштиришга аҳамият қаратилмоқда.

Биргина Япония бошланғич таълим тизимида назар ташласак, ўқувчиларда ёшлиқдан жамоавийлик ва меҳнатсеварлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилишини кўриш мумкин. Ўқувчиларнинг характери айнан шу даврда шаклланишини инобатга олган ҳолда, мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари шакллантирилади. Спорт эса инсон саломатлигининг гарови эканлиги бошланғич синфдаёқ сингдирилади.

Хорижий мамлакатлар бошланғич таълимидаги муаммо ва ютуқларни ўрганиш билан бирга, айнан миллий хусусиятларимизга яқин бўлган томонларини амалиётга жорий қилиш мақсадида Япония ва Жанубий Кореянинг “Тарбия” дарслик механизми таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг молиявий саводхонлигини ошириш борасида дастурлар ишлаб чиқилипти.

Ўқувчиларнинг аниқ ва табиий фанларни ўзлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки бугунги замонавий бозор иқтисодиёти талабларига мос касблар айнан ушбу фанлар негизида ривожланади. Жумладан, замонавий дастурчилар, технологлар билан асосан Ҳиндистон бутун АҚШ ва БАА бозори талабларини қондиришда. АҚШда фаолият олиб бораётган дастурчиларнинг қарийб 50 фоизини айнан ҳинд дастурчилари ташкил этиши бунинг ёрқин мисолидир. Шунингдек, ген инженерлиги, нанотехнология, муҳандислик каби йўналишлар аниқ ва табиий фанлар негизиде вужудга келган. Ушбу замонавий касблар орқали ўқувчилар учун нафақат замонавий касбга эга бўлиш, балки моддий фаровонлигини ошириш имконига эга бўлади.

XXI асрда иқтисодиётнинг тўртинчи тармоғи — туризм ривожланиши жаҳон мамлакатларида 400 дан орტიқ хизмат турлари пайдо бўлишига олиб келди. Биргина хориж тилларини мукаммал ўзлаштириш орқали гид таржимонлар айни вақтда туризм мавсумида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида ўртача бир кунда 400–500 долларгача маблагга эга

бўлмоқда. Бу эса илмни иқтисодиётга олиб кириш самарадорлигининг яққол далилидир. Айни пайтда аънанавий касблар билан бирга соф илмий потенциални амалга ошириш орқали юқори натижаларга эришиш мумкинлиги тўғрисида ўқувчиларга тушунчалар бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

Қандай лойиҳалар амалга оширилмоқда?

Республика бўйича расмий статистикага эътибор қаратсак, олий тоифали ўқитувчилар 3,5, биринчи тоифали ўқитувчилар 12,7, иккинчи тоифа 27,5, мутахассис ўқитувчилар 43,4, тоифасиз ўқитувчилар 12,9 фоизни ташкил этади.

Педагогларнинг малака тоифаси борасидаги муҳокамалар бу даражада қўпчилиги, аввало, умумтаълим муассасалари педагогларини малака тоифасига тайёрлаш механизми мавжуд эмаслиги, тоифа олишга кўникма шакллантирилмагани, тоифа олишга ундовчи механизм йўқлиги аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларини тоифалаш тизимини жорий этиш заруратини келтириб чиқарди. Аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар салмоғи бошқа фан йўналишларига нисбатан кам бўлиб, мавжуд муаммони бартараф этиш мақсадида олий ва биринчи тоифа олишга аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича тайёрлов курслари ташкил этилмоқда. Жумладан, математика, физика, биология, кимё фанларига мўлжалланган 72 соатлик онлайн курслар амалиётга жорий этилди. Бу орқали таълим сифатини кўтариш, мавжуд бўлишни тўлдириш имконияти пайдо бўлади.

Лойиҳанинг иккинчи қисми сертификатлаш жараёни бўлиб, аниқ ва табиий фанлар ўқитувчиларига сертификат беришнинг миллий тизимини яратишга йўналтирилган. Бугунги кунда хорижда ўқитувчиларни баҳолаш тизимида эътибор қаратар эканмиз, Японияда ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш тизимида иккита асосий омил ҳисобга олинганини кўриш мумкин. Ўқитувчининг педагогик фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида ўқувчиларнинг билиш динамикаси ҳамда ўқитувчининг касбий малакасини ўлчаш тизимида асосланади. Таълим тизимидаги ислохотлардан сўнг 2009 йилда Хитойда ўқитувчиларга иш ҳақи тўлаш ўқитувчилар билимини баҳолаш орқали амалга оширила бошланди. Бироқ сертификат ва мукофотлар мавжудлиги ҳам ўқитувчи ишининг

Дунёда соғлиқни сақлаш тизимида юксак самарадорликка эришган, аҳолини ўртача умр кўриш даражаси юқори бўлган энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олиш стратегик вазифамиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИГА

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР УСТУВОР ЙЎНАЛИШ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари
қўмитаси аъзоси



Аҳолиси соғлом, оилалари тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланадиган мамлакат энг кучли таянчга эга ҳисобланади. Чунки бундай мамлакатда қудратли ва соғлом авлод вояга етади. Аслида юртимизда сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам шу — аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини кенгайтириш орқали миллат генофондини мустаҳкамлаш ва юртимиз куч-қудратини юксалтириш.

Президентимизнинг жорий йил 11 ноябрдаги “Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши ушбу тизим изчил ислох этилаётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Қарорга кўра, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари учун замонавий тиббий ускуналар

мустаҳкам асосларга қурилаётганини намоён этади.

Дарҳақиқат, бугун инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш масаласи ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида, айниқса, тиббиёт тизимида юксак мақомга кўтарилмоқда. Тиббиётнинг бирламчи бўлини — оилавий поликлиникалардаги ўзгаришлар ҳам бунинг исботи бўла олади.

Орта назар ташлайдиган бўлсак, халқимиз яқин-яқингача поликлиникаларга бориб, у ерда тиббий хизматдан кўнглидагидек баҳраманд бўла олмас эди. Узундан-узқоқ навбатлар, қайд дафтарларини қидириш, тиббий жихозларнинг яроқсиз ва эскилиги, таъмирталаб бино, шифокорга ишончсизлик қайфияти — эндиликда буларнинг барчаси ортда қолмоқда. Бугун оилавий поликлиникаларга қадам кўяр эканмиз, у ердаги қулай шарт-шароит, сифатли тиббий хизмат, малакали шифокорлар ва инсон омилига ҳурмат-эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилаётгани ва бу орқали мавжуд муаммоларга барҳам берилаётгани халқимизнинг узқоқ қултидан истаги эди.

Она ва бола соғлиғига эътибор — жамиятга, келажаққа эътибор. Мамлакатимизда болалар учун паразитар касалликларга қарши дори-дармон



харид қилиш ҳамда мутахассисларнинг хорижда малака ошириши учун 2021/2022 йилларда 100 миллион АҚШ долларигача эквивалентдаги маблаг миллий валютада йиллик 2 фоиз ставкада 3 йил муддатга ажратилади. Бундан ташқари, мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни малакали кадрлар билан тўлдириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Келаси йилга мўлжалланган давлат бюджетли лойиҳасида ижтимоий йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим ва тиббиёт тизимида 58 триллион сўм, тиббиётнинг бирламчи бўлигини ривожлантириш ҳамда ҳудудларда юқори технологик тиббий хизматларни жорий этишга 8 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган. Шундан 1 триллион сўми онкогематология, эндокринология, буйрак ва жигарни кўчириш каби дастурларга йўналтирилиши, коронавирусга қарши эмланганлар сони оширилиши, эҳтиёжманд аҳолига ихтисослашган тиббий хизматлар учун ҳам зарур маблаг ажратилиши, айниқса, шифокорларнинг ойлик иш ҳақи босқичма-босқич кўпайтирилиши “Инсон кадри учун” эзгу тамойили

беғул тарқатилмоқда. Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислота-си, витамин ва паразитларга қарши дорилар билан беғул таъминлаш орқали аҳоли саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

Қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида бирламчи бўлинда умумий амалиёт шифокорлари ўрнига оилавий шифокор ва унга 5 та ёрдамчи ҳамширадан иборат тиббий бригадалар ташкил қилинди. Ҳар бир маҳаллада 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилди.

“Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда ишлаётган врачларга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилаяпти ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланади.

Аҳолига энг яқин бўғин бўлган ҳамшира ва фельдшерларнинг обрўси ва мавқеини кўтариш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўрта бўғин тиббиёт ходимларига “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун руҳсат берилди.

Тиббиётимиздаги энг муҳим йўналиш — перинатал ва скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилиши оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда ушбу марказларнинг вилоятлардаги филиаллари аҳолига малакали тиббий ёрдамни яқинлаштиришда ўз ўрнига эга бўлди. Оналар ва болалар учун тизимли равишда ташкил этилаётган тиббий кўриклар ҳам тақомиллашиб бормоқда. Ана шундай тизимли чора-тадбирлар натижасида оналар ва болалар саломатлиги яхшиланмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида мамлакатимизда тиббиёт тизимида орттирилган илғор тажрибалар аҳоли саломатлигини асрашда нихоятда қўл келди. Кўплаб мамлакатлар пандемия туфайли тиббий-ижтимоий, иқтисодий инқирозга юз тутаятган бир пайтда Ўзбекистон тиббиётини юксалиш жараёни қузатилмоқда. Аҳолини коронавирусга қарши эмлаш ишлари тизимли йўлга қўйилди. Биринчи доза билан эмлашни кўрсаткичи режалаштирилган қатламга нисбатан 70,8 фоизни ташкил қилмоқда.

Амалий ишлар билан бир қаторда тиббиёт соҳасида олий таълим бериш ишлари ҳам юқори поғоналарга кўтарилгани ўз натижасини кўрсатмоқда. Қуни кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан юртимиздаги олий ўқув юртилари миллий рейтингни эълон қилиниб, унда Тошкент тиббиёт академияси учинчи ўринни эгаллаган бўлса, илмий салоҳият йўналиши бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институти кучли учликдан жой олди. Университет ва институтлар битирувчилари билан ўтказилган назорат ишлари натижасига кўра, Тошкент давлат стоматология институти 4-ўринда қайд этилди.

Шуниси қувонарлики, сўнгги йиллардаги янгиликлардан фармацевтика саноати ҳам ортда қолаётгани йўқ. 2021 йил 5 ноябрь ҳолатига кўра, юртимизда дори-дармон ишлаб чиқарувчи 98 та маҳаллий корхона фаолият юритмоқда. 2021 йилда жами 8 та шундай янги корхона ташкил этилди. Жорий йилнинг 9 ойида юртимиздаги маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан қиймати 1,86 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 113,4 фоиз ўсиш кўрсаткичи таъминланди. Шунингдек, инвестиция дастурининг 29 та лойиҳаси доирасида 500,9 миллиард сўм, жумладан, 18,6 миллион доллар миқдориде хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Соҳада қиймати 244,7 миллиард сўмга тенг 6 та йирик ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиши 252 та янги иш ўрни яратилишига асос бўлди. Ютуқлардан яна бири 9 ой давомда фармацевтика соҳасида 48,05 миллион долларлик маҳсулот экспорт амалга оширилганидир. Бу режалаштирилган кўрсаткичларга нисбатан 121,7 фоизни ташкил этади.

Шу ўринда соғлиқни сақлаш тизимида жаҳон тажрибаси билан яхши таниш бўлган ёшларни, четда ишлаб юрган ватандош тиббиёт ходимларини юртимиздаги ислохотлар жараёнига жалб қилиш ҳам яхши самара бераётганини айтиб ўтмоқ жоиз. Бунинг натижасида тиббиётга жаҳон стандартларини олиб кириш, соҳага инновацион ёндашувларни жорий этишга эришилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистон тиббиёти ривожланишини янги даврига қадам қўйди. Эришилаётган ютуқларда қуни тунга улаб фаол меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг муносиб ўрни борлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Етук олимлар, малакали шифокорлар, моҳир ҳамшираларимизнинг фидо-корона меҳнати туфайли оғир касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Тиббиёт ходимларининг инсон саломатлиги ва жамият ривожидеги муносиб ўрни эътиборга олиниб, юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси Тиббиёт ходимлари кўни сифатида нишонланади. Бу йил ҳам ушбу сана мамлакатимиз бўйлаб муносиб тарзда қутиб олинаётир. Фурсатдан фойдаланиб, бутун умрини, илмини, бор маҳоратини инсон саломатлигини асрашдек эзгу ишга бахш этаётган тиббиёт ходимларининг барчасини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этамиз. Уларга юртдошларимизга шифо бағишлашдек шарафли ишда мустаҳкам соғлиқ ва муваффақият тилаймиз.



КЕКСАЛАР УЧУН ТУРИЗМ ОЙЛИГИ

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТДА БАРАКА БЎЛАДИ

**Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Эсимни танибманки, бобом ва бувимни меҳнат устида кўрганман. Кишлоқдаги ҳашарларда ёшлар билан тенгма-тенг ишлар, уйда ҳам томорканинг майда-чуйда ишлари билан куймаланиб юришар эди. Кўни-қўшнилари тотувлигию ёшлар тарбиясида, албатта, уларнинг ўрни бўлачқа бўлган. Наинки, бобом ва бувим, кишлоқдаги уларнинг тенг-тўшлари ҳам бир умр меҳнату кишлоқ гамини еб яшаб ўтди. Қайсидир йили маҳалла ҳашар йўли билан масжид кўтарди. Томини ёпишга бироз ёрдам сўраш учун маҳалла оксоқолари туман ҳокимлигига борди. Уларни ҳокимиятда ҳеч ким қабул қилмабди: на ҳоким, на ўринбосарлари. Бобомнинг анча вақт бир жаҳли чиқиб, бир музам бўлиб юрганини эслайман.

Қани энди, бугун улар ҳаёт бўлганида, шу кунларни кўрганида...

Ноябрь — фахрийлар учун байрам оғи

Бугун юртимизда истиқомат қилаётган нурунийлар учун шароит ва имкониятлар бориқча. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кекса ёшдаги фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ўзгарди, нурунийларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли иштирок этиши учун зарурий шарт-шароитлар яратилди. Уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда: ўз вақтида бепул даволаниш ва соғлиғини тиклаш имкони берилди. Санатория-даволаш муассасалари кексалар саломатлигини тиклашга хизмат қилмоқда. Ўзгалар парварishiга муҳожир ёлғиз кексалар ва ногиронларга асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена воситалари, кийим-кечак бериш тизими йўлга қўйилди. “Саховат” ва “Муруват” уйлариининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бу масканлардаги ёши улуг инсонлар турмуш даражаси янада яхшиланаётди. Табиийки, бу каби эътибор ва ғамхўрлик нурунийларимизнинг умрига-умр қўшиб, уларнинг кексалик гаштини суришига имкон яратади. Бундан ташқари, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, шунингдек, музей ва театрларга саёҳатлари ташкил қилинапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги “Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, мамлакат бўйлаб кекса авлод вакилларининг саёҳат қилишини рағбатлантириш мақсадида “Кексалар учун туризм ойлиги”нинг ташкил этилиши яна бир муҳим қадам бўлди. Энди хайрли ташаббус доирасида ҳар йили ноябрь оғи — республикаимиз нурунийлари учун катта байрам сифатида қарши олинмоқда.

Саёҳат — танга роҳат, руҳга қувват

Ойлик доирасида Сирдарё вилоятида ҳам тадбир ва турли учрашувлар, зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил этилмоқда. Кексалар тиббий қуриқдан ўтказилиб, саломатлигини тикланмоқда. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ташаббуси билан бир гуруҳ нурунийлар учун саёҳат ташкил этилди. Кексалар



дастлаб Сирдарё тарихи ва маданияти давлат музейида бўлди. Музейдаги ўтмиш, тарих ва бой маданиятимиз ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

— Мамлакатимиз тарихида ҳеч қачон кексалар учун алоҳида ой белгиланмаган эди, — дейди Сирдарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўтбосар Абдиев. — Бугун кекса отахону онахонлар чекрасидаги қувонч кимни хурсанд қилмайди дейсиз?! Барчанинг дилида, тилида шукроналик ҳисси, миннатдорлик сўзлари. Уларга қаратилаётган бундай юксак эътибор давлатимиз тараққиётига янада ривож қўшади. “Кексалар учун туризм ойлиги”нинг илк қунидаёқ вилотимиздан 95 нафар нуруний Хоразмга, 75 нафар кексаларимиз Самарқандга саёҳатга бориб келди. Йил давомида ҳам ички туризм йўналишида ҳар бир туман бўйича кексаларнинг зиёратгоҳларга саёҳати ташкил этиляпти. Саёҳат давомида нурунийлар руҳан янгиланяпти, ёшаряпти.

Саёҳат низоҳида Сирдарё вилот музикали драма театрида отахон ва онахонлар учун ёзувчи Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асари асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Шунингдек, Гулистон шаҳрида “Соғлиқ учун 5000 қадам” лойиҳаси доирасида нурунийлар ва ёшлар ўртасида юриш марафони бўлиб ўтди. Шаҳарни кесиб ўтувчи “Дўстлик” канали бўйлаб ўтказилган мазкур марафон, айниқса, отахону онахонларга манзур бўлди. Бугун вилотдаги нурунийларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда пиеда юришининг аҳамияти катта.

— Инсон ҳаёти учун бешта омил жуда муҳим, — дейди меҳнат фахрийси Даврон Жабборов. — Булар — ҳаво, сув, кундалик истеъмол қилинадиган маҳсулотлар, соғлом ва меҳнат. Давлатимиз раҳбарининг сўзларига кўра катта аҳамият қаратаётгани, ўз нутқларида бот-бот такрорлаётгани бежиз эмас. Айниқса, 5000 қадам пиеда юриш бўйича ташаббус нурунийлар томонидан ҳам илҳаб қутиб олинди. Аста-секин кундалик одатимизга айланыпти. Бу нафақат саломатлигимизга қони фойда, балки юриш орқали ободликлари кўздан кечирамиз, янгиликлардан бохабар бўламиз. Қўчалар обод бўляпти, саломатлик йўлаклари қуриляпти. Шунча шароит ким учун? Албатта, биз — халқ розилиғи, фаровонлиғи учун. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш лозим.

“Кексалар учун туризм ойлиги” жараёнида нурунийлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бора-сидаги амалий ишлар билан ҳам яқиндан танишмоқда.

Самарқандлик бир гуруҳ кекса авлод вакиллари ва ногиронлиғи бўлган нурунийлар Нарпай тумани маркази — Оқтош шаҳридаги “Samarqand Silk” МЧЖнинг пиллани қайта ишлаш корхонасига ташриф буюрди. Эътирофли жиҳати шундаки, бу ердаги пиллани қайта ишлайдиган замонавий дастохларни нарпайлик йигит-қизлар моҳирона бошқармоқда. Кор-

хонада амалга оширилаётган ижобий ишларни ўз кўзи билан кўрган нурунийлар ёш авлод вакиллари билан ҳам самимий суҳбат қурди. Нурунийлар, тумандаги кўпгў қадамжолардан бири — “Хўжа Корсон” мажмуасини зиёрат қилди. Зиёратгоҳ ва атрофда олиб борилган сўнгги йиллардаги ободонлаштириш ишлари билан танишди.

“Бувижонлар мактаби” ҳамиша фаол

Бугунги кун ёшлари турмуш синовларида тобланган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, теран ақл-идрокли кишилар кўмағи ва маслагага доим эҳтиёж сезади. Қардас кексалар бўлса, уларга хурмат, иззат-эҳтиром кўрсатилса, шу жойга файзу барака ёғилиб туради. Шу боис, сафимизда кекса нурунийларнинг борлиғи улуг



неъмат, панду насихатлари ёшлар учун бебаҳо зийнат. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, давлат ва жаҳият манфаати учун фидойий инсон бўлиб улғайишни истagan ҳар бир ўғил-қиз кексалар ҳаётий тажрибасидан фойдаланишни даркор. Зеро, кексаларнинг асрлар оша тобланган ўғилларига амал қилиб яшаш қомиллик, турмуш фаровонлиғимиз ва тинч-осойишта ҳаётимизнинг тамал тошидир.

Робия мома Тўлакова Сурхондарё вилотий “Бувижонлар мактаби”нинг раҳбари. Ёши саксонга яқинлашган қолган мома Термиз давлат университети профессори Чори Жумаев билан салкам олтимиш йилдан буён бир-бирининг қувончу дардига ҳамроҳ. Тўрт нафар фарзандни тарбиялаб алға қўшди. Барчаси олий маълумотли, эл хизматиди. Отахон ва онахон бугун фарзанду неваралар, чеваралар, шогирдлар қурувида кексалик гаштини сурмоқда. Бугунги дориламон кунларга етказгани учун шукроналар айтади.

— Ёшлигимдан то нафақага чиққунимга қадар кимё ва биология фанларидан

ўқувчиларга дарс бердим, — дейди Робия мома. — Бугун эса тўплаган тажрибаларимизни ёшларга бераймиз. Ҳар кунни ўқийман, изланаман. Чунки илмда чегара йўқ. Вилотимиздаги 15 та шаҳар ва туманда “Бувижонлар мактаби” фаолият олиб борапти. Деновад Салтанат Юсупова, Музаббат Саодат Иноятова, Бойсунда Дилбархон Сувонова — энг яқин ҳаммаслақларим. Дилбархон Меҳрибонлик уйи раҳбари бўлишига қарамай, маҳаллалардаги муаммолар ечимида, ёшлар тарбиясида ўз тажрибасини аямийда. Бундан ташқари, кейрис миллатига мансуб Алла Мун миллат ёшларининг келажаги учун тиним билмайди. Уни сурхондарёликлар Омина она, деб билади, эъзозлайди. Бугунги омон-омон замонларда завқ билан ишлаймиз. Уйда зерикиб ўтириш йўқ. Ҳали у туман, ҳали бу шаҳарга бориб тадбирлар ўтказамиз. Муаммоли оилалар бўлса, бориб кенгашамиз, маслаҳатларимизни берамиз. “Кексалар учун туризм ойлиги”да мактабимиз аъзолари ёшларни ҳам ёнига олиб, вилотдаги отахон ва онахонлар ҳолидан

Обиджон ЖўРАЕВ, Сурхондарё вилоти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бош мутахассиси:

— Нурунийларнинг катта ҳаётий тажрибалари, меҳрибонлиғи ҳамда ҳар қандай вазиятда ҳам мулоҳаза билан иш қўриши маҳалла тинчлиғи ва фаровонлиғи таъминланишида муҳим жиҳатлардан бири саналади. Уларнинг тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир ҳудудда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Бувижонлар мактаби” кенгашлари ҳамда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмалари фаолият олиб бормоқда.

Нурунийлар кўмағига ҳамиша эҳтиёж сезилган. Бугун улар — маҳалла суянчи. Шу билан бирга, эъзозу эътиборда.

Сурхондарёда “Кексалар учун туризм ойлиги”га тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича вилот Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда масъул ташкилотлар билан ойлани ўтказиш юзасидан вилот ишчи гуруҳ таркиби тузилди, чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва таҳлил қилиб бориш

бўйича Мониторинг гуруҳи тузилиб, вилот аппарат ходимлари туман ва шаҳарларга бириктирилди.

“Кексалар учун туризм ойлиги” доирасида вилотда истиқомат қилаётган 1-гуруҳ ногиронлиғи бўлган кексалар рўйхати “маҳаллабай” шакллантирилиб, ойлик давомида 798 нафар 1-гуруҳ ногиронлиғи бўлган, 321 нафар уйда ётиб қолган, 23 нафар шифохоналарда даволанаётган кексалар ҳолидан хабар олиш режалаштирилган. Шунингдек, 132 нафар 1-гуруҳ ногиронлиғи бўлган, 39 нафар якка-ёлғиз кексаларнинг хонадонларида ҳашарлар ташкил этилмоқда.

Ойнинг илк ҳафтаида “Саховат” ва “Муруват” уйларида “Эҳтиром, эъзоз, эътибор” номи остида, “Янги Ўзбекистон” барпо этишда нурунийларнинг ўрни” мавзусида кексалар ўртасида турли тадбирлар ўтказилди. Кексалар учун пиеда юриш машқлари ташкил этилиб, нурунийлар иштироки таъминланяпти. Улар учун Қўбрай туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон боғи”га саёҳат ташкил этилди. Улар бундан жуда мамнун.

Барча чегирмалар кекса авлод вакиллари учун

Ноябрь оғи “Кексалар учун туризм ойлиги” деб эълон қилиниши муносабати билан туризм соҳасида кексаларимиз учун турли йўналишларда ихтиёрий чегирмалар жорий этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимиз бўйлаб кекса авлод вакилларининг саёҳат қилишини рағбатлантириш.

— Мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш, жумладан, кекса авлоднинг юртимиз бўйлаб саёҳат қилиши ва бошқа туризм хизматларида имтиёз ва имкониятлар, шунингдек, қўлайликлар яратиш, уларнинг саёҳатини рағбатлантириш мақсадида 2020 йилдан буён мамлакатимизда ҳар йили ноябрь оғи “Кексалар учун туризм ойлиги” этиб белгиланди, — дейди Туризм ва спорт вазирлиғи маркетинг бошқармаси бош мутахассиси Сардорбек Ҳақимов. — Жорий йил кексаларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш мақсадида туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ташаббусига мувофиқ мамлакатимизда 223 та жойлаштириш воситалари (меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари) хизматлари учун — 50 фоизгача, 204 та умумий овқатланиш масканлари, ресторан ва кафелардаги хизматлар учун 20 фоизгача ихтиёрий чегирмалар жорий этилди. “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан эса шу давр ичида ички авиақатновларда 60 ёшдан юқори эркаклар ва 55 ёшдан юқори бўлган аёллар учун 25 фоизлик ихтиёрий чегирмалар жорий этилган. Бундан ташқари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан мамлакат ичиди тарифларга ҳамда “Uzautotrans Service” МЧЖ томонидан маҳаллий йўналишларда қатновчи автобус чипта нархларига 10 фоиз миқдорда ихтиёрий чегирмалар амал қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нурунийларимиз учун республикадаги 60 дан зиёд зиёратгоҳ ва 50 га яқин маданий мерос объектларига кириш учун 20 фоиздан 50 фоизгача чегирмалар белгиланди. Туризм ва спорт вазирлиғи томонидан ҳудудларда зиёратгоҳ ва қадимжоларни ўзаро боғлаган ички туризм дастурлари ишлаб чиқилган. Бу дастурлар ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кекса авлод вакилларидан иборат фаолларни саёҳатга кенг жалб этиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Хоразм вилотларидаги бир қатор зиёратгоҳларга нафақа ва кекса ёшдаги фуқаролар учун 50 фоиз миқдорда чегирмалар белгиланган.

Жараёнда кексалар дам олишини мароқли ташкил этишда уларнинг саломатлиги ва ҳавфсизлиғи, шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилиши кўзда тутилган.

Бу кунларга етганлар бахтли

Бугун янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон қадри ва унинг манфаатлари муҳасам. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида ҳам муҳтарам отахон ва онахонларимиз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун умумий турмуш шароитини яратиш, соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни янада қучайтиришимиз зарурлиғи алоҳида таъкидланди.

Нурунийлар билан суҳбатлашиб, бу кунларни яшаётганлар чиндан-да бахтли, дегингиз келади. Зеро, бу дориламон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МАЪРИФАТ

МУҲТАШАМ
КУТУБХОНА —
ёшларнинг севимли
маскани**Орифжон ЖҲРАЕВ,**
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кутубхоналарни халқимиз бежиз маърифатхонага қийсламаган. Бугунги техника асрида кутубхоналар мутлоаа масканига эмас, барча соҳалар бўйича энг ишончли маълумотлар жамланган, илмий ва бадий тафаккуримизни кенгайтирадиган бебаҳо хазина эканини янада кенг намоён этмоқда.

Юртимизда китобхонлики, мутлоаа маданиятини янада ривожлантириш, аҳолини кутубхоналарга кенг жалб қилиш бўйича самарали ишлар қилинмоқда. Наманган шаҳар Давлатобод туманида жойлашган, замонавийлиги, китобхонлар учун қулай шароитлар яратилгани билан ажралиб турувчи, қисқа фурсатда оммининг эътиборио эътирофига тушиб улгурган “Янги Ўзбекистон — ёшлар зиё маскани” ахборот-кутубхонаси чинакам илм-маърифат кошонасига айланди.

Жорий йил 19 март куни фаолият бошлаган зиё маскани фонди ўзбек, рус, инглиз тилларидаги 30 мингдан зиёд турли бадий ва илмий адабиётлар, ўқув-қўлланмаларга эга. Умумий майдони 5220 квадрат метрли кўркам бино 3 та қават, китоблар архиви ва фонд сақлаш учун мўлжалланган махсус ертўладан иборат. Бир вақтининг ўзида 1200 кишига хизмат кўрсата оладиган кутубхонада ўқув заллари, компьютер хонаси, шунингдек, бошқа қулайликларга эга бўлишлар мавжуд. Кутубхонанинг кириш қисмида рўйхатга олиш бурчаги, инфокиоска бўлиб, ҳар бир китобхон учун махсус ID-карта берилади ва улар рўйхатга олинади. Биринчи қаватдаги доимо гавжум болалар майдончаси бўлимида 5-12 ёшли фарзандларимизга мос китоблар ва жиҳозлар ажратилган.

Аҳамиятли жиҳати, ҳозиргача кутубхоналарда IT Рақлар жойлаштирилмаган эди. Дастлаб Наманган вилоятида айна тажриба амалга оширилди ва ўзини оқлади. Натижада кутубхонадан туриб дунёдаги деярли барча рақамли китоблардан фойдаланиш имконияти пайдо

бўлди. Қолаверса, IT Park худудининг ҳар бир устунида наманганлик машҳур ижодкорларнинг фотосуратлари ва QR-кодлар ўрнатилган. Унга телефонни тутиб, таникли шоир-ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларни ўқиш имконияти бор. Бундан ташқари, дам олиш ва

маскан бўлади, дея алоҳида таъкидланган, — дейди ахборот-кутубхона маркази директори Дилноза Азизова. — Шу даъват асосида ёшларни, китобхон аҳолини чорлаш ниятида зиё маскани томонидан уюштирилаётган турли ижодий учрашувлар, китоблар тақдими, семинар-тренинглар ва бошқа тадбирлар кўпчилигининг қизиқишини уйғотяпти.

Кутубхонадаги 10 мингта китоб Россиядан келтирилган. Келгуси уч йилда китоблар сонини 100 мингтага чиқариш мақсад қилинган. Ҳомийлар ва китобсевар ватандошларимиз ҳаёлари эвазига кутубхона фонди ортиб бормоқда. Ёшлар зиё маскани яқин йилларда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлики йўлга

сифатли хизмат кўрсатмоқда. Дарвоқе, “Янги Ўзбекистон — ёшлар зиё маскани” ахборот-кутубхонасига кирган инсон ўзини чинакам маърифат оламига, кўнгилга нур берадиган китоблар дунёсига тушиб қолгандек ҳис этади. Илмга чанқоқ ҳар бир китобхонанинг қўлида охиста варақланаётган китоб саҳифаларидан қалбларга нур инади. Бу ерни севимли маскан деб фахрланаётган ёшлар юртимизнинг ёруғ истиқболи учун малакали кадрлар бўлиб етишишни ўз олдига мақсад қилганини таъкидламоқда. Зеро, зиёга ташна бўлган кўнгилларнинг, китоб ихлосмандларининг қадами бу даргоҳдан узилмайди.

Кутубхона ахборот хизмати раҳбари Дониёр Юсуфжонов берган маълумотларга кўра, Ёшлар зиё маскани расман фойдаланишга топширилган кундан то жорий йил октябрь ойига қадар 82,5 мингдан зиёд киши ташриф буюрган. Кутубхонага аъзо китобхонлар эса салкам 46 минг нафарга етди.

Куни кеча Президент ташрифи ва танқидидан кейин чин маънода гўзаллашаётган Янги Наманган туманидаги “Бунёдкор” маҳалласида “Янги Ўзбекистон — ёшлар зиё маскани” ахборот кутубхонасининг илк филиали иш бошлади. Демак, йирмик ва номдор кутубхонанинг нафаси маҳалла гузарига ҳам уфуриб туради. Муъжазига зиё маскани энг сара бадий асарлар, ўзбек ва жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналари билан тартибланган 4 мингга яқин бадий, илмий ва оммабоп китоблар билан тўлдирилди.

— Маҳалламизда кутубхона очилгани ёшлар учун қутилмаган соғва бўлди, чунки китоб инсон ҳаётида энг яхши дўст ва яқин ҳамроҳдир, — дейди тумандаги 65-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилором Ҳамидуллаева. — Ўзим она тили ва адабиётга меҳрим баландлиги туфайли бадий адабиётлар мутлоасига қизиқаман. Дарслардан сўнг бўш пайтимизни асосан кутубхонада ўтказасам, бу биз учун фақат манфаатлидир. Тенгдошларимга ҳам айна шуни тарғиб қилмоқчиман.

Ҳа, Ёшлар зиё маскани ҳақида илиқ таассуротга эга бўлганларни, ижтимоий тармоқларда самимий таъриф ёдирётганларни истаганча топиш мумкин. Жумладан, Республика Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев “Бу Финляндиядаги кутубхона эмас, ўзимизнинг Наманган вилояти Давлатобод туманидаги ёшлар кутубхонасидир. Бизда ҳам шундай кутубхоналар бўлармикан, деб роса режалар тузардик. Чет эл кутубхоналарига ҳавас билан қарардик. Мана, туманларда ҳам шундай кутубхоналар барпо этиляпти. Ишончим комил, бу кутубхона нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистонимиз йилит-қизлари учун севимли масканга айланади. Илм-фан ривожига, аиникса, нетворкинг учун жуда қулай ва шинам жой бўлган. Китоб тақдиротлари, олимлар билан учрашувлар, нафис мажлислар, назм ва наво кечалари ёки катта IT ҳақатонлар ўтказишга зўр маскан”, деганида ҳақ эди.

АБДУЛЛА ОРИПОВ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛИГИ

дардини, шўро зулмини, теша тегмаган поэтик топилмалар орқали даврнинг аянчли қисматини санъаткорона таърифлайди.

ҲАЙРАТ СИЛСИЛАСИ

Ўроз ҲАЙДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари

Ўзбекистон Олий Мажлис Сенати аъзоси, файласуф Абдурахим Эркаевнинг “Абдулла Орипов даҳоси” китобида ёзилган сўзбошининг ўзидаёқ муаллиф мўддаоси ошкор қилинган. “Шоир асарларидан туғилган таассуротларнинг эркин баёни”га уруғ беради. Китобда икки чиқиқ бўйича параллел равишда ҳам шоир ҳаёти, ҳам унинг ижоди қиёсий усулда таҳлил этиб борилади.

Менинг тасаввуримда ўтган асрнинг 60-йилларида димиккан ўзбек шеърини таъкидлашчи, шоир “адабиётда янги гоёвий-бадий йўналиш очади, унга бадий мезон беради. Ҳақиқатни ва миллий ўзлигини англашни сифат жиҳатдан бир поғона юқорига кўтарайди”.

Абдурахим Эркаев шоирнинг қайси бир шеъри ёки достонларига ёндашишда умумий шарҳлардан чекинади ва асарлар таъминиди яширин полифонияга диққатни қаратади, яъни кўзга кўринмас сўз дуру инжурларидан иборат маънолар маҳзанини фалсафий-бадий ҳайратлари билан янгича талқин этади. Шоирнинг “Ўзбекистонда куз” шеърига муносабатда шундай ёркин мулоҳазаларга нигоҳимиз тушади.

Шабнам шовуллайди боғлар қўйида,
Салқин туман ичра бўзарар тонглар.
Қўйининг эринчоч ёғдуларида,
Нафис ялтирайди барги хазонлар.

Шабнамнинг шовуллаши инсон ақлу тасаввурига келмайди. Аммо шоир нозик саввурлар орқали чиройли ифодаалашни, боғ узра эгган шамол даракларини елпиб, барглари инган шабнамларни тўкиб юбориш жараёнида “шабнам шовуллаши”га тўри ташхис қўяди ёхуд иккинчи қатордаги тонгнинг “бўзариши”, учинчи мисрадаги “эринчоч ёғдулар”, тўртинчидаги “хазонларнинг нафис ялтираши” орқали куз фаслини ҳайратомуз поэтик топилмалар билан инкишоф этгани, бу манзаралар кейинги безовта ҳис-туйғуларга ўтишио контрастлик юзага келиши ечимини топган. Қаранки, табиат манзараси ижтимоий воқеали билан уйғунлашиб, шўро даври қиёфасини ойдинлаштиради. Миллион эгтарларга эгилган халқнинг оғир меҳнат остида куз гўзаллигидан бебаҳра яшаётганидан кайғуради.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фасли ўз гўзаллиги ва нафосати билан дунёдаги бошқа кўпгина мамлакатлар фаслидан фарқлинишини, ўзининг айрича ман-

Одилона баҳо. Шоирнинг “Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси” деб бошланувчи шеърда ҳам халқининг эрксизлигидан ўкинч ўтида ёнган, атрофдаги мавжуд нарсалардан малол туйган, ҳаттоки найнинг навоси ғамгинлигидан қалби безовталанган шоир орзу-армонларини ўқиймиз. “Барглар орасида беҳол ўйнаётган уйқудаги кизнинг бедор тушлари”дан фалажланган “Эрк қизи”нинг забунлигидан мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол маънос эгиллаётган терак учлари манзараси юракни сергаклантиради. Нега баҳор кунларида кузнинг ҳавосини туюётган шоир ҳолатини англаймиз? Демокчиманки, 60-йилларданок шоир табиат манзаралари орқали ватан, халқи

дардини, шўро зулмини, теша тегмаган поэтик топилмалар орқали даврнинг аянчли қисматини санъаткорона таърифлайди.

ҲАЙРАТ СИЛСИЛАСИ

Ўроз ҲАЙДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари

Ўзбекистон Олий Мажлис Сенати аъзоси, файласуф Абдурахим Эркаевнинг “Абдулла Орипов даҳоси” китобида ёзилган сўзбошининг ўзидаёқ муаллиф мўддаоси ошкор қилинган. “Шоир асарларидан туғилган таассуротларнинг эркин баёни”га уруғ беради. Китобда икки чиқиқ бўйича параллел равишда ҳам шоир ҳаёти, ҳам унинг ижоди қиёсий усулда таҳлил этиб борилади.

Менинг тасаввуримда ўтган асрнинг 60-йилларида димиккан ўзбек шеърини таъкидлашчи, шоир “адабиётда янги гоёвий-бадий йўналиш очади, унга бадий мезон беради. Ҳақиқатни ва миллий ўзлигини англашни сифат жиҳатдан бир поғона юқорига кўтарайди”.

Абдурахим Эркаев шоирнинг қайси бир шеъри ёки достонларига ёндашишда умумий шарҳлардан чекинади ва асарлар таъминиди яширин полифонияга диққатни қаратади, яъни кўзга кўринмас сўз дуру инжурларидан иборат маънолар маҳзанини фалсафий-бадий ҳайратлари билан янгича талқин этади. Шоирнинг “Ўзбекистонда куз” шеърига муносабатда шундай ёркин мулоҳазаларга нигоҳимиз тушади.

Шабнам шовуллайди боғлар қўйида,
Салқин туман ичра бўзарар тонглар.
Қўйининг эринчоч ёғдуларида,
Нафис ялтирайди барги хазонлар.

Шабнамнинг шовуллаши инсон ақлу тасаввурига келмайди. Аммо шоир нозик саввурлар орқали чиройли ифодаалашни, боғ узра эгган шамол даракларини елпиб, барглари инган шабнамларни тўкиб юбориш жараёнида “шабнам шовуллаши”га тўри ташхис қўяди ёхуд иккинчи қатордаги тонгнинг “бўзариши”, учинчи мисрадаги “эринчоч ёғдулар”, тўртинчидаги “хазонларнинг нафис ялтираши” орқали куз фаслини ҳайратомуз поэтик топилмалар билан инкишоф этгани, бу манзаралар кейинги безовта ҳис-туйғуларга ўтишио контрастлик юзага келиши ечимини топган. Қаранки, табиат манзараси ижтимоий воқеали билан уйғунлашиб, шўро даври қиёфасини ойдинлаштиради. Миллион эгтарларга эгилган халқнинг оғир меҳнат остида куз гўзаллигидан бебаҳра яшаётганидан кайғуради.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фасли ўз гўзаллиги ва нафосати билан дунёдаги бошқа кўпгина мамлакатлар фаслидан фарқлинишини, ўзининг айрича ман-

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. **Буюртма** — 3667.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Муасхих: Асолат Аҳмадулова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 03:35 Топширилди — 04:20

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz